

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ВИЛОЯТИМИЗ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ ЭЪТИРОФИДА

Вилоят ҳокимлигида вилоятнинг кредит салоҳиятини баҳоловчи рейтинг тақдироти муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Хушxabар

Дунё тажрибасидан маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири бу хорижий инвесторларни юрти-

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви жараёнидаги ўрнини мустаҳкамлаш дунё бозорига кузатилаётган ўзгарувчан конъюнктурани инобатга олган ҳолда ҳар бир ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини белгилаш, етакчи тармоқ ва соҳаларни жадал ривожлантириш ва модернизация қилишни талаб этмоқда.



мизга жалб этиш, уларга қулай шароитлар яратиб беришдир. Бугунги кунда дунёдаги ҳар бир инвестор ўзи инвестиция қиритишни режалаштирган мамлакатдаги шароит, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, иқтисодий-иҷтимоий вазият ҳақида билишни ва ўрганишни хоҳлайди. Бу борада дунёнинг бир қатор халқаро рейтинг агентликлари томонидан давлатларнинг ҳақиқий иқтисодий-иҷтимоий кўрсаткичларига ҳолисона баҳо бериб борилади.

Анжуманда вилоятимиз халқаро рейтинг кўрсаткичига нафақат республикаимиз бўйича балки Марказий Осиё вилоятлари ичида биринчи бўлиб эришгани алоҳида қайд этилди.

"STANDART and POOR'S" Халқаро рейтинг агентлиги таҳлилчилари томонидан тақдим этилган ҳулосада вилоятимизнинг рейтинг кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикасининг рейтинг кўрсаткичлари билан мувофиқлиги, ҳудуддаги мавжуд молиявий барқарорлик, келгуси уч йилликда вилоят бюджети профицит билан ижро этилиши ҳамда иқтисодий-иҷтимоий ва ликвидлик кўрсаткичлари юқориликча қилини қайд этилган.

Анжуманда кейинги уч йилликда вилоятни комплекс ривожлантириш, барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатини таъминлаш мақсадида 2019-2021 йилларда саноатнинг етакчи тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари, туризм, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бошқа кўплаб масалаларга эътиборни қучайтириш лозимлиги ҳақида сўз борди.

2019-2021 йилларда вилоятда аҳоли сонининг ўсиб бориши натижасида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик йўналишида лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобида гўшт (мол, қўй, парранда, балиқ), сут, туҳум, асал маҳсулотлари етиштириш ортиб боради.

Мазкур прогноз кўрсаткичларининг ижроси 2019-2025 йилларда ислохотларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, ҳудудий иқтисодиётнинг салоҳияти, барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш, энг муҳими, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга олиб келади.

Ўз мухбиримиз
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

ЮҚОРИ ҲОСИЛ ВА РЕНТАБЕЛЛИК — ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ



Тадбирда сўз олганлар, Президентимиз соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилдорлиги сара ва сифатли уруғга боғлиқлигини таъкидлашди. Ўқув-семинар икки босқичда — дала майдонлари ва дон корхоналарида ўтказил-

ди. Дастлабки манзил — Ўрта Чирчиқ туманидаги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Тошкент илмий-тажриба станциясининг тажриба дасаси бўлди. Қатнашчилар кенг майдонда парваришланаётган буғдойнинг четдан келтирилган ва маҳаллий навлари билан танишдилар. Мутахассислар олиб бо-

рилган ишлар, агротехник тадбирлар, апробация ҳақида маълумот беришди. Шундан сўнг тумандаги "Solanz" масъулияти чекланган жамиятига борилди. Бу ерда 40 гектар майдонда галланинг Россиядан келтирилган "Васса" нави парваришланмоқда. Жамият раҳбари буғдой парваришидаги ўзига хос нозик

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан "Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 2020 йил ҳосили учун фермер хўжалиқларини сифатли, авлодли уруғлик билан таъминлаш мақсадида бошқоқли дон экинлари майдонларида навдорликни аниқлаш бўйича ўтказиладиган апробация" мавзuida ўқув-амалий семинар ўтказилди. Унда учала вилоятнинг қишлоқ хўжалиги бошқармалари масъул ходимлари, уруғчилик марказлари раҳбар ва мутасаддилари қатнашишди.



Шерзод ҚОБУЛОВ олган суратлар

жиҳатлар ҳақида гапириб, керакли фикр ва тавсиялар берди. Ўтган йили вилоятимизда уруғчиликка ихтисослашган "Solanz agro" кластери ташкил қилинган эди. Бугунги кун-

да бу ерда Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда буғдойнинг бирламчи уруғлари янги такомиллашган технология асосида етиштирилмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

Бешта муҳим ташаббус юзасидан Бўка туманида кенг қўламли ишлар бошланганига ҳам бир ойдан ошди. Шу вақт давомида бажарилган ишлар, хайрли лойиҳалардан аҳолининг боши осмонда. Туманга бир ой аввал келган инсон бугунги ўзгаришларни кўриб, тасанно айтмоқда. Кечаги пойдевор устига улкан бинолар қурилаяпти, ҳудуддаги объектлар капитал таъмирланаяпти.

Бўка тумани:

ЙИЛЛАРГА ТАТИГУЛИК БЕШ ТАШАББУС



— Президентимиз томонидан илгари сурилган ёшлар таълим-тарбияси борасида қўшимча шароитлар яратиш ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган бешта ташаббуснинг Бўкадан бошлангани барчамизни қувонтирди, — дейди туман "Халқ овози" газетаси бош муҳаррири Гулжаҳон Ёмгурова. — Мазкур лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларнинг гувоҳи бўлаётган ва йилларга татигулик эзгу амалларда бевосита қатнашаётган аҳолининг бугунги кайфияти аъло. Чунки, ишчи гуруҳ томони-

дан ҳар бир секторда биттадан ҳудуд "Бўстон", "Чавлисой", "Катта Равот" ва "Янгиқўрғон" маҳаллалари таълими, бунёдкорлик ишлари жадал бошлаб юборилган. Унда уч мингдан ортиқ аҳоли иштирок этмоқда.

"Бўстон" ва "Чавлисой" маҳаллаларида тез кунда ишга туширилаётган тикув цехи учун тўрт юз нафар хотин-қиз "Бўстон" қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан тикувчилик бўйича тахсил олишмоқда.

— Дарҳақиқат, "Бўстон" маҳалласи ҳақиқий бўстонга айланимда, — дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раҳбари Баҳодир Абдуллаев. — Бир томонда қишлоқ, врачлик пункти таъмирланаяпти, ёнида "Ўзпахтасано" АЖ томонидан 200 ўринли енгил конструкцияли тикув цехи қад ростлаяпти. "Халқ кутубхонаси", ҳаммом қурилиб, ишга туширилиш

арафасида. "Ёшлар боғи" ободонлаштирилиб, кўчаларга асфальт ётқизилди. Марказий йўл ёқасидаги электр устунларга буюк адибларимиз сурати туширилган баннерлар осилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан туман марказида "Маънавият ва маърифат" экопарки қурилиши бошлаб юборилди. Унда замонавий кутубхона, амфитеатр, спорт майдончаси, экобоғ каби объектлар барпо этилади.

Давоми 2-бетда ➡



Шўқуқ

Йўл... Майнинг олачалпоқ қуёшида тобланиб, тоғолди ҳудуднинг илонизи йўллари бўйлаб лапанлаганча чоғроқ бир автобус кетиб бораёпти. У безатилган. Икки тарафига шорлар илинган. Кўтаринки кайфият сезилиб турибди. Ёшлар соз чалиб, шўх-шаън қўшиқ куйлаб бораёпти. Қўҳисим тоғларининг азим чўққисида оқ, оппоқ қорлар йилтирайди.

Қуёшни кўргали келдик...

Автобус ичидаги бу жамоат ҳозиргина Қорахитойдан — Эшонқуловлар ҳонадонидан кўзғалди. Ўша ҳонадондаги гурунг завқиданим, ҳаммининг юзида недир ҳайрат, ҳавас учкунлаб турибди. Эллик йиллик турмушдан кейин ҳам бири-бирига меҳри, муҳаббатини сақлаб қолган бу оиланинг боши — Озод бобо манови ёшларга ўз гулини қандай парваришлаш ҳақида гапирган чиқар. Билганимиз — суҳбат ширин эди, давра кўркли эди, ҳовли тўла гул эди...

Мана, навбатдаги манзил... Муборак ва Раҳматилла Мадийровларнинг уйи. Оҳангарон дарёсининг сўл тарафидаги азим қишлоқ Теловни биласиз-ку, ўша жойлар. Ўжар ва бир сўзли одамлар юрти. Бу ерда жойлашган машхур ҳарбий қисмини ёнбошлабти йўл юради таниш автобусимиз.

Қирқ беш йил... Айтишга осон, боз, улар ҳар куни турмушнинг зил-замбил юкини, саратонни-ю қаҳратонни деворлари меҳрга қорилган қўрғонда ўтказиб келишяпти. Қўшиқ, сўз, соз сеҳри, дил из-



хорлари, субҳоний ўрикнинг довуқчалари, димоғни қитқилаётган ёқимли тоғ ҳавоси — ҳовли ана шундоқ тасвир ва таассурот билан ёдда қолади. Вазмин одимлаётган автобусда яна олға кетамиз...

"Ўзбек бовуларим келаяпти!", дейди қозоқ асли Шавкат оға аёлига — 45 йиллик дўсти содигига қараб. "Маним юртдошларим-ку улар, абзий", дейди ҳазиллашиб татар асли Энзिला хоним ҳам эрига.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

«МАҲАЛЛАМИЗ ЭРТАСИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!»



Шу кунларда вилоятимизнинг барча ҳудудларида муҳим ижтимоий-сиёсий жараён — фуқаролар йиғини раис (оқсоқоли) сайловлари ниҳояланиб бормоқда. Мухбирларимиз жойларда мазкур жараён қандай ўтаётгани ҳақида хабар қилишмоқда.

Оққўрғон туманидаги "Сувти" маҳалласида ўтаётган сайловга келган 84 ёшли отахон Абдураззоқ Қурбонов номзодларнинг дастурларини диққат билан тинглади.

Отахон ҳаётнинг не-не синовларини кўрмаган, дейсиз. Ўз вақтида туман пахтачилигида донг таратган отахон маҳалланинг ўтмишидан ҳам яхши хабардор. Маҳалладошлар оқсоқолнинг масъулияти ҳақида у

кишидан орттириб фикр айта олмайди. Шу боис, раисликка номзодлар Сарвинисо Бекназарова ва Нуриддин Жоникуловга шу кунни осон бўлмади. Дарҳақиқат, кўпни кўрган отахоннинг содда тилда, аммо зал-

ворли саволларига гапни олиб қочиш билан жавоб қайтариш... қовун туширишдек гап. Яна бу ёқда 159 нафар вакил ҳам: "Қўлингдан нима келади, шуни айт", деб турибди. Хуллас, 38-мактабда ўтган

сайловда номзодлар имтиҳон топширдилар-да. Маҳалла ҳаётига дахлдор масалалар бўйича вакиллар томонидан берилган саволларга қайтарилган жавоблар сайлов натижасида акс этди.

Саноқ комиссияси вакиллар кўз ўнгига сайлов қутисидagi бюллетенларни ҳисоблаб чиқишди. Яширин овоз бериш натижаларига кўра, 76 фоиз овоз олган Нуриддин Жоникулов маҳалла раислигига сайланди.

Бўстонлик туманидаги 59 та маҳаллада ҳам сайловлар ўз ниҳоясига етди. Шундан 18 та маҳаллада янги раис сайланди. Сайланган раисларнинг 22 нафари олий маълумотга эга.



Қуёшни кўргани келдик...

Автобус тўхтади. Ичкариладик. Ёшлар кўшиқ айтиб киради, созанданинг завқи жўшади, уй тўла меҳмонлар оёққа қалқийди.

Калиевлар хонадони бу! Икки буюк халқ – қозоқ ва татар фарзандлари ўзбек заминиде топишиб, жуфтлашиб, туپ қўйиб, палак ёзган. Бугун бу оташин муҳаббатнинг тўрт меваси барқ уриб яшнаб турибди. Уч ўғил, бир қиз денг...

Хамроҳлар оиланинг катта-кичиклари билан гуруннга берилди. Ким ўтган йилларнинг ёруғ манзараларини эслаган, ким икки халқнинг, икки буюк маданиятнинг меҳваридан бино бўлган бу оиланинг элда андоқ эътибор топадидан сўзлайди...

Хуллас, навбатдаги манзил Куюнқишлоққа. Автобустан бир-

бир тушаётган меҳмонларни Шерали ҳожирадиннинг "Ўзбеким"и жаранглаб турган хонадоннинг улуглари кутиб олади. Қирқ йиллик оила, Саодат ва Йўлдош Шодиевлар хонадонидамиз. Маҳалланинг келинлари шаҳарлик меҳмонларга расамади билан хурмат кўрсатади, янға жаврайди: "Салом-салом, келин салом, ёр ёр, меҳмонжонларга сало-о-ом..."

Қош қорая бошлади... Автобус таниш-нотаниш кўчалар оралаб яна шаҳарга ўрмалади. Умр сарфатларининг бир куни ўтди ҳисоб... Дарвоқе, биз шу куни тарқалмадик, бирлашиб, уйғунлашдик, тафаккур йўриғи бир томонга бўлди... Қайтар чоғимизда кўнғилжон гимирлаб, уйға шошар, муқаддас кўрғонга тезроқ етиш истагида жўшар эди...



P.S.

Юқоридаги хаёлнамо тасвирларни ўқиб, балки ҳеч нимани тушунмаган чикрисиз. Эҳтимол ҳаваскор мухбир бу воқелик ҳақидаги мақолани шундай сатрлар билан бошлаши мумкин эди:

"Халқаро оила куни муносабати билан жойларда турли тадбирлар, авлодлар учрашуви ҳамда илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Оҳангарон туманида ҳам бу санага мутасадди идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан ўзгача тайёргарлик кўрилди..."

Хусусан, туман хотин-қизлар кўмитаси, ФХДЭ, Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, фан, таълим, маданият ҳодимлари касаба уюшмалари туман бўлими ҳамкорликда "Бахтиёр оила" карвони ташкил этишди..."

Абдусалом БОБОКАЛОНОВ,
журналист
Суннат САПАРАЛИЕВ олган суратлар

Юрт тараққиётини билимли, доно, ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятга эга ўғил-қизлар белгилаб беради. Бу ўз-ўзидан мамлакат таълим тизимини замонга мос тарзда янгилашни, ўқитиш сифатини оширишни тақозо этади. Ҳўш, вилоятимизда бу жараён қандай кечмоқда? Шу хусусда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шуккур Бурхоннов билан суҳбатлашдик.

– Айтингчи, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар вилоятимиз таълим тизимига қандай акс этаяпти? Камчиликлар, муаммолар нималарда кўринаяпти?

– Очиги, таълим тизимига вилоятимизда қилинадиган ишлар талайгина, муаммолар ҳам етарли. Жумладан, кўпгина мактабларимиз-

Бизнинг суҳбат

Вилоятимизда 869 та умумтаълим мактаблари мавжуд. Ушбу таълим муассасаларида 478 минг 334 нафарга яқин ўғил-қиз таҳсил олади. Уларга 31 минг 546 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда.

ТАШАББУСЛАР КЎП, НАТИЖАЛАРЧИ?

да оддий ичимлик сувининг етишмаслиги, айрим биноларнинг таъмирталабчилиги, кутубхона, спорт заллари, замонавий компьютерлар, умуман, моддий-техник базанинг танқислиги кузатилади. Энг қийнай диган муаммо бу – малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги.

Тан олиб айтиш керак, айрим педагогларимизнинг салоҳияти бугунги кун даражасида эмас. Замонавий билим ва кўникмага эга, компьютер технологияси ҳамда чет тилларини биладиган, ҳатто, ўз мутахассислиги бўйича етарли билим ва маҳорати борлари кам. Айниқса, математика, физика, кимё, биология, шунингдек, чет тилларидан сифатли дарс бера оладиган педагогларга эҳтиёжimiz катта.

Яқинда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Концепцияга мувофиқ, тизимда мавжуд барча муаммо ва камчиликлар инобатга олиниб, узоқ муддатли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланган. Асосий мақсад Ўзбекистоннинг 2030 йилга келиб PISA – Ўқувчиларнинг таълим соҳасидаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастурида биринчи. 30 та илгор мамлакат қаторига кириштириш, Ўйлабманки, секин-аста камчиликлар бартараф этилиб, кўзланган натижага эришамиз.

– Яқинда бир маълумотга

кўзим тушиб қолди. Унда республикамизнинг барча ҳудудлари кесимида 2018-2019 ўқув йилида умумий айтири-ентларнинг талабаларига қабул қилинган тўғрисидаги маълумот фойз кўрсаткичида берилган эди. Рейтингда вилоятимиз 10-ўринни банд қилиб турганди. Бу қайсидир маънода таълим сифатини ҳам кўрсатиб бермайдими?

– Бу нисбий баҳо. Негаки, мактаб битирувчиларининг барчаси ҳам олий ўқув юртига кириш учун ҳужжат топширмаслиги мумкин. Бунга оилавий шароити ёки тадбиркорлик, хунармандчилик, спорт йўналишларида кетиши сабаб бўлиши мумкин. Мактабларда таълим сифатига ҳақиқий баҳо эса фанлар бўйича аънавий тарзда ўтказиладиган олимпиада, танлов ва муСОБАКАЛАР ОРҚАЛИ БЕЛГИЛАНДИ. Биз бу борада анча юқори ўринда-миз.

маълум бир вақт талаб этилади. Шу боис, бу ҳудудларга янгиликлар кеч етиб боради. Айтмоқчиманки, вилоят халқ таълими тизимига ягона сервер зарур. Сервер ёрдамида видеосеминарлар, видеоконференциялар ўтказиш билан бир қаторда методик хизмат кўрсатишни онлайн тарзда амалга ошириш мумкин бўлади.

– Президентимиз илгари сурган бешта ташаббус Бўка туманида кенг кулоч ёймоқда. Туман мактабларида ташаббусларни қандай кутиб олишди?

– Дарҳақиқат, бу ташаббуслар жуда кўп хайрли ишлар бошланишига туртки берди. Туманда қисқа муддатларда ўн йилларга татигулик мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшлар бекорчилигининг олдини олиш, улар учун маданий тадбирлар, компьютер саводхонлиги ва интернет марказла-

тирилган. Бу борада тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметр ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган "Йўл хариталари" ҳам белгиланган. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, вилоятда амалга оширилаётган ишлар натижасида 2030 йилга келиб, 81 фойз мактабларимиз тўлиқ (марказий таъминотга эга) ичимлик суви билан таъминланади. Айни пайтда фаолият кўрсатаётган 3 минг 410 нафар ўрта-махсус таълим оқитувчилар олий таълим оқитувчи ходимларга алмаштирилди. Мактабларимиз тўлиқ замонавий мебель ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланади. Шунингдек, жорий йилнинг ўзида 49 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаш кўзда тутилган. Бунинг учун 72,7 млрд. сўм маблағ ажратилган. Бу ишларимиз самарасида 47 минг 300 нафар ўқувчининг ўқиш шароити яхшиланиб, 22 та мактабда икки сменада таълим олаётган 14 минг 700 нафар ўқувчининг бир сменада ўқишига эришамиз. Бундан ташқари, 2021 йилда Нурафшон шаҳрида Президент мактаби фаолият бошлаши режалаштирилган. Мазкур мактабнинг 1-11-синфларида 140 нафар ўқувчи қабул қилиниши назарда тутилган.

Шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, келгусида таълим тизими мутлақо ўзгаради. Яъни, малакали педагогларни соҳага жалб этиш ва бу орқали таълим сифатини ошириш, мактабларнинг моддий-техник базасини янгилаш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, интернет тармоғига тўлиқ ўлаш, барча таълим муассасаларини "Замонавий мактаб"га айлантириш ишлари тизимли олиб борилади. Мени қувонтирган нарсаси, ўқувчиларнинг АКТИВ пухта ўзлаштиришлари учун жиддий эътибор қаратилмоқда. Уларнинг компьютер дастурлаш асослари, робототехника, ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асослари, шунингдек, киберспорт ўйинларига қизиқишини ошириш, ушбу соҳада спортчиларни тайёрлаш ишлари ҳозирдан бошлаб юборилган. Миллий кадриятларни, маданий ва халқ меросини тарғиб қилувчи маҳаллий дастурий таъминотлар, ўйинлар ҳамда видео махсулотларини яратиш, рақамли технологиялар соҳасида маҳорат дарслари, тренинглари, илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ўтказиш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малака ошириш курсларини ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Булар эса келгусида мактаб битирувчиларидан "ёш дастурчилар" етишиб чиқишига замин ҳозирлайди.

Тошкент ҳақиқати" мухбири
Эрали НОРЕБЕКОВ суҳбатлашди

Хайрулла ТУРМАТОВ, вилоят бош имом-хатиби:

– Террорчи тўдалар ўзларига эргашмаган барча мусулмонларни "кофир"га чиқаради. Энг ёмони, улар эр-кавларни қатл қилиб, аёллар ва болаларни кул сифатида сотишни оддий ҳолат, деб билишади.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: "Набий (с.а.в.) дедилар: "Аллоҳ деди: "Уч (киши) борки, Қиёмат куни мен уларга хусуматчиман: Менинг номим билан (аҳд) бериб, кейин хиёнат қилган киши, ҳур одамни сотиб, пулини еган киши, ишчи ёллаб, ундан (ишни) тўла талаб қилиб олиб, ҳақини бермаган киши". Мана шу

ИШИД Ислом динидан йироқ тузилма экани ҳақидаги фикрлари кишини хушёр торттиради. Уларнинг таъкидлашича, Ироқ халқи барча имконият ва кучини мамлакатда оқаётган қонларни тўтатиш ҳамда ИШИД томонидан олиб борилаётган ноҳақ одам ўлдириш, инсонларнинг обрўсини поймол қилиш, масжидларни харабача айлантириш, насроний ҳамда бошқа дин вакиллариининг қуввин қилиниши каби аянчли ҳолатларни бартараф этишга сарфлашлари зарур. Ислом дини вайронагарчилик ва қотиллик каби ишларни амалга оширадиган қуролини ҳаракатларни рад қилади. Ислом бундай ишлардан мутлақо йироқ!

Бузғунчи тўдалар ёшларимизни

ЧОРРАҲАСИ

ҳадиснинг ўзи оқни оққа, қорани қорага ажратиб беришга кифоя қилади.

Энди ўйлаб кўрайлик, "хижрат" савобини оламиз, деб даъво қилаётган баъзи адашган одамфорушларга эргашиши адолатданми? Ахир, Куръони каримда айнан шундай ҳолатлар ҳақида "Зулм (ноҳақлик) қилганларга суянмангиз, токи сизларга (дўзахдан) олов етмасин!" ("Худ" сураси, 113-оят), дейилган-ку.

Бугунги кунда ИШИД балоси даф бўлгани йўқ. Яқинда 2014 йилдан буён кўринмай қолган ИШИД етакчиси ал-Бағдодийнинг экани айтилаётган видеомурожаат тарқалди. Унда ўзини "Исламий давлат" деб атаган ғуруҳ раҳбари Абу Бакр ал-Бағдодий эканига ишонилаётган шахс видеокамера қаршисида мурожаат билан чиқиб, халифалик қўлдан бой берилган ҳудудлар учун ўч олинади, деб айтган.

Бу хабарга жиддий муносабатда бўлиб, оғоҳлигимизни янада кучайтиришимиз керак. Шу ўринда Миср Бош муфтийси, "Ал-Азхар" мажмуаси раҳбари шайх Аҳмад Таййибнинг

осон алдаётганига яна бир сабаб – бу жиҳод сўзини нотўғри талқин қилинишида. Аслида "жиҳод" сўзи луғатда кишининг ўз мақсадига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, қаттиқ ҳаракат қилиши маъносини англатади. Масалан, дарсини ўзлаштириш учун жон-жаҳди билан интилаётган ўсмирни жиҳод қилмоқда, деса тўғри бўлади. Умуман олганда, "жиҳод" дини, Ватани, оиласи, обрўси ва моли ҳимоясини шариат руҳат берган йўллар билан амалга оширишни тақозо қилади. Кишининг ўз Ватанини босқинчилар, исёнкорлардан ҳимоя қилиши ҳам айни жиҳоддир. Ҳадисда инсоннинг ўз нафси ёмонликларига қарши туриши, яхшиликларга интилиши катта жиҳод эканлиги таъкидланади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтилади: "Бир киши Расулulloх (с.а.в.)нинг ҳузурларига у зотдан жиҳодга изн сўраб келди. Шунда у зот унга: "Сенинг ота-онанг борми?" дедилар. "Ҳа", деди. "Бас, икковларни (хизмати)да жиҳод қил!" дедилар".

Илмсиз тараққиёт бўлмайди –

жаҳолат саодатманд этмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, "Жаҳолатга қарши – маърифат"ни қурол қилган аждодларимиздан бизгача етиб келган бой маънавий мерос ўзига хос наҳот қалъаси, ҳимоя кўргони вазирасини ўтайди.

Гулнора ХОЛДОРОВА, психолог:

– Миллати ва динидан қатъи назар барча халқларда яхши билмаган масалага кўр-қўрона ёндашиш, бир ёқлама хулоса чиқариш қаттиқ қораланади. Ислом динида ҳам шундай. Аслида ўзини доно ёхуд диндор кўрсатиб, эл-юртдан ажралиш, ёлгон, сохта тавқиқотларга эргашиш ғумроҳликдан ўзга нарсаси эмас.



Диний экстремистик оқим тарқибига кириб қолган шахснинг руҳиятидаги ўзгаришларни таҳлил қилганда бўлса, ҳаётини осонгина издан чиқариб юборишини тушуниб оламиз. Бу тоифа кишилар биринчи навбатда оиласи, қариндош-уруғлари ва яқин инсонларидан юз ўғиради.

Илм олиш, яхши касб эгаси бўлиб, муносиб ҳаёт кечиришни бундай кимсалар ўйламай қўяди. Ён-атрофдаги жараёнларга шахсий муносабатини билдира олмайди. Шу боис, воқеликка фақат бузуқ ақида-ни нуктаи назардан қарамоқда мажбур бўлади. Умри қамқоқда ёки ўзга юртларда хору зорлик ва сарғардонликда ўтади, ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари олдидаги инсоний мажбуриятларини бажара олмайди.

Ўз навбатида, диний экстремистик ғоя ва ён диний қарашларнинг жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит ва тадрижий ривожланишга зарарли таъсири ниҳоятда катта бўлади. Масалан, кимсаларнинг қону-

ний жазага тортилиши ёки "хижрат" даъвосида хорижий юртларга чиқиб кетиши оқибатида оилаларда парокандалик юзага келади. Фарзандлар тарбиясиз, оилалар эса боқувчисиз қолади. Борган сари онгиди "ёвузлик чегараси" пасайиб, қотиллик, қийноқ, босқинчилик, гаровга олиш, қулчилик каби жиноятларга қўнқиб қолади. Содир этган ёвузликларни одамларда ваҳима уйғотди.

Шу кунларда ҳам хорижга иш ахтариб кетган айрим ёшларимиз ақидапарастларнинг таъсирига тушиб, юртга қайтгандан сўнг ён-атрофдагилардан "жамоат" тузишга, уларни "хижрат"га олиб чиқишга ҳаракат қилаётганлиги, афсууски учраб турибди. Тўғри, ҳар бир фуқарода касб ва иш жойи танлаш ҳуқуқи бор. Бироқ, айрим хорижга кетганларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолаётгани, хору зор бўлиб, бирон нарсаси орттириб қайтиш ўрнига борида ҳам айрилиб келаётгани ҳам бор гап.

Энг ёмони, пул топиш истагида ўзга юртларга кетганларнинг баъзилари сохта "дин даъватчилари"нинг қармоғига илиниб, алдов йўли билан "хижрат" ва "жиҳод" даъватларига учаётганидан тубанликка юз тутаяптилар.

Аваллари диний экстремистик ғояларни ёшлар онгига сингдиришга кўп вақт талаб қилинган бўлса, ҳозирги кунда ҳатто бири ой ҳам етарли бўлаяпти. Бу жараён жуда ҳам тезлик билан амалга ошмоқда. Шунинг учун ҳам биз бирликда дадил ва тенг ҳаракат қилишимиз лозим. Лоқайд бўлмастекимиз керак.


Яна бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Ақидапарастлар ўз сафига янги шахсларни жалб этишда интернетдаги ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланишмоқда. Ёшларимиз интернет орқали террорчи ташкилот, ақидапараст ғуруҳлар таъсирига тушиб қолганининг олдини олиш мақсадида уларга диний маълумотларини излаётганда, сайтларга киришда иложи борида "uz" доменидан фойдаланишни ўқитишимиз шарт.

Тошкент ҳақиқати" мухбири
Абдусалим МАҲМУДОВ ён-олди

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТИЛГАНДА

профилактика инспекторларининг ишни ташқил этиш тартиби ҳақида

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деғанда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга таъовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш барча фуқароларнинг жинси, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий маъвкени, ирқи, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) олдида тенглик асосида кўриб чиқилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўзбек, қорақалпоқ ёки муайян ҳудуддаги кўпчилик аҳоли сўзлашмаган тилда юритилади. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очиб қўрилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқилишнинг тарбиявий ва оғоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарликнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқиш мумкин.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баён-номани тузади, шу билан бир-галликда маъмурий жавобгарликка тортилувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчир-ма нусхасини, ҳуқуқбузарнинг

муқаддам маъмурий жавобгар-ликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги талабномани, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириш хатлари, жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг рулоини ошириш мақса-дида бундай ишлар ҳуқуқбузар-лигини иш, ўқиш жойидаги жамоа-лариди ёки яшаш жойида кўриб чиқиш мумкин.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материалларни олади ва тўплайди.

Аҳмад ИБРАГИМОВ,
ИИБ Академияси
3-курс курсанти

Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери маъму-рияти ҳамда вилоят фтизиатрлар кенгаши олий тоифали фтизиатр Мурод Даминовга ўғли
МАХСУДЖОННИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ФЕРМЕРЛАРИГА МУРОЖААТИ



Ҳурматли фермерлар!

Жорий йилда баҳорнинг серёғин ва нисбатан салқин келиши қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса, чигит қадаш ва ғўза ниҳолларини ундириб олишда азамат деҳқонларимиз зиммасидаги масъулият янада ошишига сабаб бўлди. Минг машаққат билан ундирилган ғўзани энди фақат обитобида парваришлас, агротехника тадбирларини ўз вақтида бажариш орқали мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор яратишимиз мумкин.

Шундай экан, ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари ихтиёридаги култиваторлардан самарали фойдаланиб, ғўза қатор ораларини чопиқ қилиш, бегона ўтлардан тозалаш, яганалаш ва зараркунандаларга қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор бериши керак.

Бу йилги айна экин-тикин мавсумида ёнгингарчилик кўп бўлиши пахтачиликда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўзанинг ривожини ўтган йиллардаги қараганда анча орқадан қолаётган. Бу эса унинг парваришига алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, тупроқни чуқур юмшатиш, майда чопиқ қилиш, яганалаш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш ва бошқа агротехника юмушларини амалга оширишга ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Агар баъзи туманларда чигит бузиб, қайта экилганини инобатга оладиган бўлсак, бугун уларни бошқа ҳудудлардаги ғўзаларга етказиб олиш нақадар долзарб масала бўлиб тургани аён бўлади.

Тажрибали фермерлар, фидойи дала меҳнаткашлари ҳозирги ўта масъулиятли паллада сифатли бажарилган агротехника тадбирлари туфайли яратилажак мўл ҳосил, ундан келадиган даромаддан, энг аввало, ўзлари, қолаверса, жамиятимиз катта наф қўришини яхши билади, қишлоқ хўжалигини яна-

да ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни чуқур ҳис этади.

Сўнгги икки йилда пахтанинг давлат харид нархи қарийб икки баравар оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг биз, фермерларга беқиёс ғам-хўрлиги, камтарона меҳнатимизга юксак эътиборини қадрлаб, бу зиммамизга улкан масъулият юклашини ҳам унутмаслигимиз лозим!

Азиз фермерлар, миришкор деҳқонлар!

Юртимизда эзгу ташаббус, хайрли амаллар ҳеч қачон беиз кетмайди, эътибордан четда қолмайди. Аксинча, давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Шундай экан, ҳар биримиз ўз даламизда меҳнат қилиш учун ишчиларимизга қулай шарт-шароитлар яратиш пайдан бўлиб, энгил конструкторли дала шийпони, мўжазгина арзон иссиқхона қурайлик, 50 тадан парранда ва бир бошдан соғин сигир ҳамда 5 қўтидан асалари боқишни йўлга қўяйлик. Бу орқали ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, қўшимча даромад манбаини шакллантириш имконияти пайдо бўлади.

Қадрли фермерлар!

Кўпни кўрган, тажрибали фермерлар май-июнь ойлари ғўза айна ривожланадиган, деҳқонлар таъбири билан айтганда, "кечаю кундуз ишлайдиган" бетақор палла эканлиги, бу даврда қандай тадбир қўриш зарурлигини жуда яхши билишади. Сизу бизнинг вази-фамиз эса ана шу тигиз мавсумда бутун меҳримизни даламизга бериб, ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида ва сифатли бажаришга эришишдир. Бунинг учун қуйидагиларга жиддий эътибор қаратиш зарур:

биринчидан, агротехника тадбирлари борасидаги ташкилий ишларни

яна бир марта, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда пухта режалаштиринг;

иккинчидан, ҳар бирингиз 50 сотих ғўза майдонига бир нафардан мавсумий ишчини жалб қилиб, бир ҳафта муддатда ғўза парваришидаги хато ва камчиликларга тўлиқ барҳам беринг;

учинчидан, ғўза майдонларини култивация қилишда ишчи органларни тупроқ шароити ва экиш схемасидан келиб чиққан ҳолда, амалга оширинг;

тўртинчидан, ишчиларингиз учун бир гектар майдондаги экин чопиги учун 300 минг сўм, яғна учун 200-250 минг сўмдан, механизаторларга бир гектар култивация учун 18 минг сўм миқдоридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратилган иш ҳақини ўз вақтида бериб, меҳнат унумдорлигини оширишга эришинг;

бешинчидан, ғўза майдонингизда тўлиқ гектар ва контур ҳосил қилиб, ёнгингарчиликдан кейин сақлаб қолинган майдонларда ниҳол униб чиқмаган қаторлар хатосига чигит экишни, бунда, чигитни яхшилаб димлаб, тупроқнинг 4-5 см. намини чиқариб экишни ташкил этинг;

олтинчидан, ҳар бирингиз 1-2 та чинбарг чиқарган ғўза майдонларингизда яганалаш ишларини ташкил қилиб, 3 кун муддатда тўлиқ якунлаш чорасини кўринг. Бунда:

– тупроқ унумдорлиги юқори ерларда (90 см. ғўза қатор оралигида экилганда 1 метрда 8-9 та, 60 см. қатор оралигида экилган бўлса, 5-6 тадан кўчат қолдириб) гектарига 80-90 минг туп;

– тупроқ унумдорлиги ўртача ерларда (90 см. ғўза қатор оралигида экилганда 1 метрда 9-10 та, 60 см. қатор оралигида экилган бўлса, 6-7 тадан кўчат қолдириб) гектарига 100-110 минг туп;

– тупроқ унумдорлиги паст ерларда (90 см. ғўза қатор оралигида экилганда

1 метрда 10-11 та, 60 см. қатор оралигида экилган бўлса, 7-8 тадан кўчат қолдириб) гектарига 110-120 минг туп;

– тупроқ унумдорлиги паст ерлардаги қўшқатор экилган майдонларингизда гектарига 140-160 минг туп;

– ингичка толали ғўза навлари экилган унумдор тупроқли майдонда гектарига 110-120 минг туп, тупроқ унумдорлиги ўртача ерларда 130-140 минг туп, тупроқ унумдорлиги паст ерларда 150-160 минг туп, қўшқатор майдонларда 180-200 минг туп ҳамда "Сурхон" ва "Термиз" навларида 150-160 минг туп кўчат бўлишини таъминлашга эришинг;

еттинчидан, ғўзада 3-4 та чинбарг пайдо бўлган майдонларда ўсимликдан 12-14 см. узюқликда, 16-18 см. чуқурликда (тупроқ намига) гектарига 150 кг. дан азотли ўғит, чигит экиш ва ер тайёрлаш жараёнида берилмаган бўлса 200 кг. дан фосфорли ва 100 кг. дан калийли минерал ўғитлар билан озиқлантиринг;

саккизинчидан, ғўза ниҳолларининг 2-3 та чинбарг чиқариш даврида барг орқали озиқлантириш мақсадида суспензия сепиш ишларини ташкил этинг;

тўққизинчидан, ёнгингарчиликдан кейин сақлаб қолинган майдонларда зудлик билан биринчи ишлов мажмуасини ўтказинг ва сугоришга тайёрланг. Ушбу майдонларни ҳар йилгидан 10-15 кун олдин гектарига 700-750 куб. метр сув билан энгил қатор оралатиб сугоринг;

ўнинчидан, ғўзанинг зараркунанда ҳашаротларга (шира-трипс, кузги тунлам, ўргимчаккана ва бошқа) қарши биологик ва кимёвий кураш ишларини ташкил қилинг. Бунда, ҳар гектар пахта майдонига бир дондан феромон тутқич ўрнатиб, 3-4 кунда 10-15 дондан капалак тушиши кузатилса, бундай майдонларни алоҳида назоратга олинг;

– ўргимчакканана қарши курашишда профилактика мақсадида олтингургурга сода аралаштирилган эритма, ол-

тингургурга оҳакли ИСО эритмаси ёки гектарига 60 кг. олтингургуртни ОШУ пуркагичи билан далага сепинг;

– кузги тунлам (илдиз кўрт)га қарши алдамчи емаклар тайёрлаш ва кечки пайт далага сепишни ташкил қилинг;

ўн биринчидан, 10-15 нафар фермер бириктиб, механизатор уйларини ташкил этинг. Бунинг натижасида далада иш унумдорлигининг ошишига эришинг.

Табиат куч-қудратимиз, сабр-бардошимизни яна бир бор синовдан ўтказаятган жорий мавсумда бир тану бир жон бўлиб, етук мутахассисларимиз томонидан тавсия этилган энг қулай агротехника тадбирларини мақбул муддатларда амалга ошириб, пахтадан белгиланган ҳосил етиштиришга эришайлик!

Фидойи фермерлар, дала меҳнаткашлари!

Бугун халқимиз сизнинг шижоатингиз, гайрат ва матонатингизга кўз тикиб турганини, бир зум бўлса-да, ёддан кўтарманг. Дастурхонимиз файзу баракали, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла ва арзон, турмушимиз фаровон бўлиши бугунги меҳнатингизга боғлиқ. Юртбошимизнинг ишончини оқлаб, юрт ободлиги, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўиш учун барчангизни сидқидилдан ҳалол меҳнат қилишга чақирамиз!

Бу йилги қишлоқ хўжалиги мавсумида сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, ишингизга эса унум ва ривож, улкан хирмон барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақият ва зафарлар тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ

ЧОРВОҚДАГИ ДАЛА ҲОВЛИ

Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли суҳандон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Раёно Жўраеванинг ранг-тасвир йўналишидаги 60 га яқин ижодий ишларидан ташкил топган кўргазма очилди.

□ Кўргазма



Тақдим этилган асарларда юртимизда бир-бирини қўллаб-қувватлаш йил фаслларининг гўзаллиги, бетақор табиат манзаралари, заминимиз неъматлари, турфа гуллар тасвири, кеча ва кундузнинг турли кўринишлари акс этган.

Экспозициядан ўрин олган "Тоғ ёнбағрида", "Баҳорги ёмғир", "Баҳор гуллари", "Ўрмондаги сой", "Намозшом", "Оқтош", "Оқтош йўлида", "Чорвоқдаги дала ҳовли айвони" каби қатор ижод намуналари томошабинни табиат гўзаллигига ошно қилади.

Раёно Жўраева Тошкент театри ва рассомлик институтини тахсил олган. Узоқ йиллар Ўзбекистон телевидениесида ишлаган. Олий тоифали суҳандон.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ
Р. ГАЛИЕВ олган сурат

Кайфият

Бугуннинг латиғаси

Бир ойда олдин "Буюк Ипак йўли" метро бекати яқинида ГАИ тўхтатди. "Ҳа, камандир, нима айб қилдим", десам, "ЙХХ қондасининг фалон бандини бузиб, кундузи ҳаракатланаётган пайтда олди фарангизни ёқиб олиб-сиз", деди.

"Туннельга кирганимда ўчириш эсдан чиқибди-да. Бўлди мана ўчириб қўйдим, билмабман, кечирасиз", дедим.

– Билмаслигингиз сизни жавобгарликдан озод этмайди, – деб баённома тузди.

Бугун ҳам ГАИ тўхтатиб: "Ҳурматли хай-

довчи, ЙХХ қондасининг фалон бандини бузиб, кундузи олди фараларингизни ёқиб-сиз", деб қолди.

"Ҳа, энди камандир, қоида янги бўлса, эсдан чиқибди, ўрганиб олганимизгача кечириб туришлар" десам, "Хаммани кечираверсак, давлат бюджетини ким ўйлайди ака. Хафа бўлманг, ёзмасам бўлмайди", деди ва саволга тутди:

– Охирги марта қачон ёздиргансиз?
– Бир ой олдин.
– Қайси қоида бузарлигингиз учун?
– Кундузи фарамни ёқиб юрганам учун...

Инспектор акамиз кулвордида, ҳужжатини қайтариб бериб: "Кетаверинг", деди барака топгур.

Саъдулло САИДОВ

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимиз ва барча металлурглари

**Ўзбекистон Республикаси
Кончилик ва металлургия
саноати ходимлари куни
билан самимий
муборақбод этади!**



**Мамлакатимиз тараққиётини
юксалтириш йўлидаги эзгу
ишларингизга омад ва зафарлар
тилайди.**



Байрамингиз кутлуг бўлсин, азиз ҳамкасблар!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Файрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Электрон почталар: thaqiqat@uamail.uz / th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририят компьютер марказида
тервиль ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ